

Давлат хизматчилари учун “Сиёсий-маърифат соати” бўлиб ўтди



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат фуқаролик хизматчилари учун сиёсий-маърифий ўқув соатининг навбатдаги онлайн машғулоти бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги кичик мажлислар залидан туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари, аппарат ходимлари ва туман ташкилотлари раҳбарлари Сиёсий-маърифат соати онлайн кузатиб боришди.

Бугунги ўқув соатида Ўзбекистон-Россия: стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари, Ҳуқуқий саводхонлик (ҳафта давомида қабул қилинган долзарб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти), Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакили фаолиятини самарали ташкил этиш чоратадбирлари, шунингдек, Ўзбекистон ва хориждаги муҳим жараёнлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Эслатиб ўтамиз, ўқув соатини Агентликнинг ilm.argos.uz платформаси ҳамда [YouTube](#)даги расмий саҳифаси орқали томоша қилитиш мумкин.